



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 10 январь, № 6 (8901)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси (ЖКУК) аъзосига айланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар касаба уюшмаларига ҳам катта имкониятлар яратди.

Хушхабар



ITUC CSI IGB

Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг халқаро касаба уюшмалари ҳаракатида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари билан ҳамкорликни кучайтириш йўналишида аниқ мақсад-

га қаратилган ишлар амалга оширилди.

Ўтган йилнинг декабрь ойида уюштирилган ЖКУКнинг навбатдаги бош кенгаши мажлиси қарори билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси дунёдаги энг йирик касаба уюшмалари бирлашмаси аъзоларига 80 фоиздан кўп овоз билан қабул қилинди.

Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси дунёдаги энг йирик касаба уюшмалари бирлашмаси ҳисобланади. У ўз сафига 163 мамлакатдан 200 миллионга яқин аъзоларни бирлаштирган, аъзо ташкилотлар сони эса 340 та.

ЖКУК 2006 йилда Халқаро мустақил касаба уюшмалари конфедерацияси ҳамда Халқаро меҳнат конфедерациясининг бирлашиши ҳисобига таъсис этилган. Таъсис конгресси 2006 йилнинг 1 — 3 ноябрь кунлари Вена шаҳрида бўлиб ўтди.

Бугунги кунда ташкилотнинг бош қотиби — Люк Триангл. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси бош қотиби раҳбарлигидаги юқори мартабали миссия 2024 йилнинг октябрь ойида юртимизда бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг турли соҳа ходимлари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, ижтимоий шериклик ва мулоқотни ривожлантириш борасидаги фаолияти билан яқиндан танишган эди.

Конфедерация Халқаро меҳнат ташкилоти, Европа Иттифоқи ко-

миссияси, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа халқаро тузилмалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясига тўлақонли аъзоликка қабул қилиниши юқоридаги халқаро тузилмаларда мамлакатимиз мавқеини илгари суришда конфедерация салоҳиятидан фойдаланиш ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалардаги мавқеини мустақамлаш учун қўшимча имкониятлар яратди.

«Халқ сўзи».



Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясига аъзо мамлакатлар харитаси.

ТИББИЙ ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ГАРОВИ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Хозирги кунда тиббий хизмат кўрсатишда республика, вилоят, туман ва қишлоқ бўғинлари ўртасидаги боғлиқлик кучайтирилади. Бунда, аввало, маҳаллаларда профилактика ишлари ва тиббий кўриқлар сифатли ташкил этилиб, касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхис қўйиш ва даволаш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Мулоҳаза

Шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, шунингдек, тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг янги структурасини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш йўналишлари такомиллаштирилгани ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилгани эътиборга молик. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустақамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилиши олдини олиш

мақсадида республика ҳамда ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди.

Ихтисослаштирилган тиббий хизмат халққа янада яқинлаштирилмоқда. Биламизки, бир пайтлар мураккаб операциялар чет элдан қилинарди. Бу беморнинг ўзига ҳам, яқинлари учун ҳам қийинчилик туғдирарди. Бугун эса Президентимиз топшириғига кўра юртимизда энг сўнгги тиббий жихозлар олим келинди, мутахассисларнинг хорижда малака ошириши таъминланди. Натижада аввал пойтахтдагина бажарилган юқори технология операциялар, инновацион диагностика усуллари ҳозир чекка ҳудудларда ҳам босқичма-босқич жорий этилмоқда.



Қарор ва ижро

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ЯШАШ ШАРАФ

Инсон ҳамisha меҳорга ташна. Айниқса, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар доим меҳрга маҳтал бўлишади. Бугун юртимизда ногиронлиги бор шахсларга ҳар томонлама қўмақлаштириб, соғлом ҳаётга мослаштириш учун барча шароит яратиб берилмоқда. Улар давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимояга олингани юртимизда инсон қадри юксалаётганидан далолат.

87 ёшли Антонина Куйчиева Зарбдор туманининг Шодлик маҳалласида яшайди. Яқин ўртада қариндошлари қолмаган. Зарбдор туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан Антонина Михайловнага уй-рўзгор юмушларига қўмақлаштириш учун ижтимоий ходим масъул қилинди.

— Ўзбек халқи меҳрибон ва бағрикенг. Қўни-қўшиллар доимо ҳолимдан хабар олиб туради, — дейди Антонина Куйчиева. — Яқинда маҳалламиз раиси ижтимоий ходим билан уйимизга келди. Яшаш шароитим, соғлигимни сураб-суриштиргач менга ҳар қуни уч соатдан ижтимоий хизмат кўрсатилишини айтишди.



ИНВЕСТИЦИЯЛАР

ИҚТИСОДИЁТ ЛОКОМОТИВИ ВА МУСТАҚКАМ ПЙДЕВОРИ

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги очиқлик ва прагматизм туфайли мамлакатимиз икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, энг долзарб муаммоларни муҳофаза қилиш, илғор ғоя, ташаббус ҳамда ёндашувлар ишлаб чиқиш учун самарали мулоқот майдонига айланди.

Ўтган йилнинг 2-3 май кунлари бўлиб ўтган III Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Сарҳисоб

Одатда, халқаро форумлар хорижий шерикларни бирлаштириш, уларга иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мавжуд истиқболни кўрсатиш, турли соҳаларда аниқ режалар белгилаб олиш мақсадида уюштирилади. Шу маънода, халқаро майдонда қарама-қаршиликлар, турли низолар кузатилаётган бир даврда Тошкент халқаро инвестиция форуми ўтказилиши аниқ мудоао бўлди. Зеро, мамлакатлар, халқлар ўртасида ўзаро мулоқот учун кўпrik вази-фасини айнан иқтисодиёт ўтказди.

Йилдан-йилга яхши аъёнага айланиб бораётган ушбу формат доира-сида дунёнинг барча қитъасидан ян-

гидан-янги ишончли ҳамкорлар қатнашмоқда. III Тошкент халқаро инвестиция форумига 93 та давлатдан икки ярим мингдан ортиқ хорижий меҳмонлар келгани ҳам форумнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганини намойён этади.

Сайёрамизда товар ва хизматларни етказиб бериш занжирларидаги узиллишлар, халқаро савдонинг пайсайиши, инвестиция оқимларининг камайиши, иқлим офатларининг кучайиши каби муаммолар шароитида Тошкент форумининг ўтказилиши инвесторларнинг тинч, хавфсиз, барқарор — Марказий Осиё минтақасига эътиборини қаратишга ундаши аниқ.

Зеро, Европа ва Яқин Шарқдаги зиддиятлар фондида жаҳон иқтисодиёти-нинг ўсиш суръатлари сўнгги уч йил давомида пасайиб кетди. Тўридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ тенденциялар ҳам қутилган умидларни оқламапти. Ривожланаётган давлатларга киритилган инвестициялар умумий ҳажми ҳам камайди. Шундай шароитда 80 миллионга яқин нуфусга эга бўлган янги бозор инвесторларга ишонч бағишлаши мумкин эди ва шундай бўлди ҳам. Қолаверса, Ўзбекистонда халқаро сармоядорлар бемалол, эркин фаолият кўрсатиши учун йилдан-йилга муносиб шароитлар яратилаётганига, имтиёз ва

кафолатлар тақдим этилаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Аслида ҳам, сармоядор пул тикишидан олдин, аввало, чамалаб кўради. Маблағ киритсам, фойда оламанми? Демак, унга башорат қилса бўладиган муҳит керак, чунки бу хусусий сектор ва хорижий инвесторларнинг ҳаётини енгилаштиради. Иккинчидан, ташқи дунёга очиқлик ташқаридан билим ва технологияларни олиш услубидир, бу хоҳ савдо, хоҳ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар орқали, хоҳ одамлар ҳаракати натижасида бўлсин! Учинчи йўналиш эса хусусийлаштириш жараёнининг бошланиши. Бу шароит ва шартларнинг барчаси Ўзбекистонда мужассам!

Аёнки, 2017 йилдан буён Ўзбекистон учун муҳим муваффақият омиларидан бири очиқлик бўлди. Кўплаб компаниялар ўз фаолиятини ўша кезларда бошлади, эркин савдо, валюта айирбошлаш имкониятлари пайдо бўлди ва компаниялар башорат қилинадиган муҳитда ишлаш бошлади. Мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташланди.



Давлат дастури лойиҳаси — муҳокамада

5 ТА УСТУВОР ЙўНАЛИШ Бўйича БЕЛГИЛАНГАН АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади

Куни кеча “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Нафақат мамлакатимиз ҳаёти учун долзарб, балки “яшил” ривожланиш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб берган давлат дастури

лоийҳасида 5 та устувор йўналиш бўйича 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилмоқда. Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ушбу дастуриламал ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида муносабатларини билдирди.

2-саҳифага қаранг.

Олий Мажлис Сенатида

КУН ТАРТИБИДА — ЭКОЛОГИЯГА ОИД ҚОНУНЛАР

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, Ёшлар парламенти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлирининг Аграр, сув ҳўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссиялари ҳамда қўмита ҳузуридаги эксперт гуруҳи аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.

Сенаторлар “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилди.

Қонун билан соҳада фаолият юритаётганларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг меҳнатларини муносиб рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог” фахрий унвонини таъсис этиш назарда тутилмоқда. Мазкур фахрий унвон мамлакатимизда экология ва атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, табиатни асраб-авайлаш, биохил-маҳилликни сақлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш борасида салмоқли натижаларга эришган фуқароларга, мутахассис-ҳодимлар ва соҳа вакиллари, экофаолларга берилиши мақсад қилинган.

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустақамлашга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Уй-жой кодексларига, “Рақобат тўғрисида”ги ҳамда “Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонунларга қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий

тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчилар қисқа хабар (SMS) орқали хабардор қилингандан кейин мазкур қарздорлик бартараф этилгунгача қадар улардан электр энергияси учун тўловларни қабул қилишни вақтинчалик чеклашга қаратилган ҳуқуқий нормалар белгилианиши назарда тутовчи қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда.

Қонунда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатувчи тўловлар уч ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига қаттиқ ва суяқ маиший чиқиндиларни тўлаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш ҳам тўхтатиб турилмайди.

Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига коммунал хизматлар кўрсатиш мажбурий тўловлар уч ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда тўхтатиб турилишидан қаттиқ ва суяқ маиший чиқиндиларни тўлаш ҳамда олиб чиқиш хизматлари мустасно экани назарда тутилмоқда.

«Халқ сўзи».

ЖОНЛИ ИЖРО: ИМКОНИЯТ ВА РАҒБАТ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Мажлисида сенаторлар, вазирлик ва идоралар масъуллари, экспертлар, Ёшлар парламенти ва маҳаллий Кенгашлирининг Ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари комиссиялари аъзолари иштирок этиди.

Мазкур қонун билан Маданият вазирлигининг жонли ижро санъатини ривожлантириш, санъаткор, ижодкор ҳамда ижрочиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда. Мусиқали ва бошқа асарлар ижросида фонограммалардан фойдаланиш даражасига қараб ижро қилиш усуллари белгиланмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини оширишга, жонли ижро санъатини ривожлантириш ва рағбатлантиришга, истеъдодли ижрочиларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Мажлис сўнггида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИНВЕСТИЦИЯЛАР

ИҚТИСОДИЁТ ЛОКОМОТИВИ ВА МУСТАҲКАМ ПЙДЕВОРИ

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Давлатимиз раҳбари халқаро форумдаги нутқида таъкидлаганидек, иқтисодий эркинлаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлар учун имкониятларни ҳар томонлама кенгайтириш асосий мақсад этиб белгиланди ва натижада сўнги йилларда мамлакат иқтисодий қарийб икки баробар ўсди. 2024 йил якуни бўйича бу ўсиш камида 6,5 фоизни ташкил қилди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Охириги йилларда мамлакатимизда 60 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осие тарққиёт банки каби халқаро молия институтларининг 14 млрд. доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилинди. Дунёнинг етакчи компаниялари ҳамда йирик брендлари билан 300 дан ортиқ инвестиция ва саноат лойиҳалари ишга туширилгани тўғрисида юз минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Тошкент халқаро форуми якунлари бўйича умумий қиймати 26,6 млрд. доллар бўлган келишувлар имзоланди. Ваҳоланки, 2023 йилда ўтказилган форум доирасида жами қиймати 11 млрд. долларлик, 2022 йилда эса 7,8 млрд. долларлик 167 ҳужжат имзоланган. Демак, сармоядорларнинг мамлакатимиз ва минтақамизга бўлган қизиқиши йил сайин ортиб бораётганини рақамларнинг ўзи кўрсатиб турибди.

2024 йилда қатор йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Хусусан, Саудия Арабистонининг "Data Volt" компанияси "Янги Тошкент"да 1 млрд. долларга шаҳар инфратузилмасини ва 3 млрд. долларга "яшил" технологияларга асосланган маълумотлар маркази қуришни режалаштирмоқда. Саудия Арабистонининг "Amea Power" компанияси ҳам Қорақалпоғистонда қуввати 2 ГВт бўлган электр энергиясини сақлаш қурилмаларини барпо қилади. Бирлашган Араб Амирикларининг "Amea Power" компанияси ҳам Қорақалпоғистонда қуввати 1000 МВт бўлган 1,1 млрд. долларлик шамош электр станциясини қуради. Саудия Арабистонининг "Saudi Tabrid" компанияси Нун

дунёда инвестицияларни жалб қилиш учун жуда қаттиқ рақобат кетаётган бир пайтда бу улкан муваффақиятдир. Гап шундаки, хорижий сармоядорлар эътиборини жалб қилишнинг бир йўли — ислохотларни ўтказишда жиддий му

ҳармонлик муҳитини янада такомиллаштиришни, ҳалол рақобат учун янада кенг шарт-шароитлар яратишни, хусусий мулк дахлсизлиги ва суд тизимининг мустақиллиги таъминланишини ўз зиммасига олди.

Президент стипендиантлари аниқланди

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳайъати қарори билан 2024/2025 ўқув йили учун олий таълим муассасалари магистратура босқичининг 20 нафар талабаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси танлови голиби сифатида тасдиқланди.



Вазирлик хабарига кўра танловда иштирок этиб, совриндор бўлмаган талабалар ҳам тегишли ОТМ раҳбари томонидан рағбатлантирилади. Жумладан, ушбу танловнинг суҳбат босқичига тавсия этилган, аммо совриндор бўлмаган талабгорларга базавий стипендия миқдорининг 5 баравари, танловнинг суҳбат босқичига тавсия этилган талабгорлар эса, базавий стипендия миқдорининг 3 баравари даражасидаги бир марталик пул маблағи билан мукофотланади.

Маълумот учун, жорий ўқув йилида магистратура мутахассислиги бўйича жами 124 нафар талабгор номзоднинг ҳужжатлари тақдим этилди.


Ўзбекистонликлар интеллект даражаси рейтингда юқорилади

Халқаро IQ реестри дунёнинг турли мамлакатларидаги ўртача IQ (Intelligence quotient, интеллект коэффициенти — инсон ақл даражасининг миқдорий баҳоси) маълумотларини эълон қилди.

Бу ҳақда "Эл-юрт умиди" жамғармаси хабар берди.

Унга кўра мамлакатимиз 96,98 балл билан рўйхатдаги 127 давлат ичида 69-ўринни эгаллади. Дунё бўйича ўртача IQ 100 баллни ташкил қилади.

Рейтинг муаллифлари таъкидлашча, тадқиқот 2024 йилда ушбу сайтда бир хил тестдан ўтган бутун дунё бўйлаб 1,4 млн. киши маълумотларига асосланган. Баъзи мамлакатлар маълумотлар йўқлиги сабабли киритилмаган. Рейтинг ҳар йили 1 январьда янгиланади. Қайд этилишича, кучли учликка Хитой (107,43), Эрон (106,63) ва Жанубий Корея (106,57) кирган. Габон 85,56 балл билан сўнги ўринни эгаллади.



Тошкент халқаро форуми якунлари бўйича умумий қиймати 26,6 млрд. доллар бўлган келишувлар имзоланди. Ваҳоланки, 2023 йилда ўтказилган форум доирасида жами қиймати 11 млрд. долларлик, 2022 йилда эса 7,8 млрд. долларлик 167 ҳужжат имзоланган. Демак, сармоядорларнинг мамлакатимиз ва минтақамизга бўлган қизиқиши йил сайин ортиб бораётганини рақамларнинг ўзи кўрсатиб турибди.

2024 йилда қатор йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Хусусан, Саудия Арабистонининг "Data Volt" компанияси "Янги Тошкент"да 1 млрд. долларга шаҳар инфратузилмасини ва 3 млрд. долларга "яшил" технологияларга асосланган маълумотлар маркази қуришни режалаштирмоқда. Саудия Арабистонининг "Amea Power" компанияси ҳам Қорақалпоғистонда қуввати 2 ГВт бўлган электр энергиясини сақлаш қурилмаларини барпо қилади. Бирлашган Араб Амирикларининг "Amea Power" компанияси ҳам Қорақалпоғистонда қуввати 1000 МВт бўлган 1,1 млрд. долларлик шамош электр станциясини қуради. Саудия Арабистонининг "Saudi Tabrid" компанияси Нун

дунёда инвестицияларни жалб қилиш учун жуда қаттиқ рақобат кетаётган бир пайтда бу улкан муваффақиятдир. Гап шундаки, хорижий сармоядорлар эътиборини жалб қилишнинг бир йўли — ислохотларни ўтказишда жиддий му

ҳармонлик муҳитини янада такомиллаштиришни, ҳалол рақобат учун янада кенг шарт-шароитлар яратишни, хусусий мулк дахлсизлиги ва суд тизимининг мустақиллиги таъминланишини ўз зиммасига олди.

Узбекистон давлат корхоналарини хусусийлаштиришга астойдил киришган. Бу банк-молия соҳасида ҳам кўзга яққол ташланяпти. Сўнги йилларда кўплаб хусусий банклари очилди. Юртимизда Европанинг етакчи банклари кириб келди. Форум доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Ўзбекистоннинг йирик банклари билан бири бўлган "Асакабанк"ни хусусийлаштириш бўйича битим имзоланди. Шунингдек, Халқаро молия корпорацияси, Осие тарққиёт банки билан бошқа йирик банклариимизнинг трансформацияси ва хусусийлаштириш жараёни фаол олиб борилмоқда.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Биз ва жаҳон



Малайзиядаги қадимий қўлёзмаларнинг нусхалари Ўзбекистонда



Хусусан, Абу Райҳон Берунийнинг "Ат-Тафҳим" ва Абулқосим Фирдавсийнинг те мурийлар даврида кўчирилган "Шоҳнома" асарлари тақдим қилинди. Ислон тафаккури ва цивилизацияси институтида уюштирилган тадбирда Ўзбекистон элчиси Каромиддин Гадоев ҳам иштирок этди.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази раҳбари қадимий қўлёзмалар нусхаларини қабул қилиш жараёни ҳақида фикр билдирди:

— Бугунги кунда Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан тарихий меросимизни ўрганиш ва инсонпарварлик гоёларини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан саккиз йил муқаддам давлатимиз раҳбари Фармонига биноан Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ташкил қилинди. Бу ерда заманимиздан етишиб чиққан алломаларнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссасини акс эттириш, юртимизда ва хорижда сақланаётган Ўзбекистонга оид маданий ва маърифий ёдгорликларни тадқиқ қилиш кўзда тутилган. Марказимизда алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган

ҳиссасини ўрганиш ҳамда маданий ёдгорликларни тадқиқ этиш борасида фаол ишлар амалга оширилмоқда. Бугун қабул қилинган қўлёзма нусхалари ҳам марказимиз экспозициясини янада бойилтади.

Қўлёзмалар Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказининг тарихий экспозициясида намойиш этилиши кутилмоқда.

Айтиш жоизки, ўтган йилнинг декабрь ойида Малайзиядаги Халқаро ислон тафаккури ва цивилизацияси институти хузурдаги Ислон цивилизацияси кутубхонасидан Ўзбекистоннинг маданий меросига оид тарихий қўлёзмалар топилгани ҳақида хабар берилган эди.

Абу Райҳон Беруний (973 — 1048) асарлари ва илмий кашфиётлари дунё илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган. Унинг 1197 йилда кўчирилган "Ат-Тафҳим" асари жаҳон илм-фанида муҳим манба сифатида эътироф этилган. Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си эса XV асрда те мурийлар даври китобат санъати аъналарини асосида кўчирилган. Асарда Қамолдин Бехзод миниатюра мактабига хос усурлар аниқланган.

Тадбир давомида ҳудудий

Муаллифнинг қайд этишича, саёхатдан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари — Тошкент, Самарқанд, Хива ва Бухорода сақланиб қолган ислон тарихига оид обидаларни кўриш, жаҳон илм-фанига оид улкан мерос ҳақида маълумот тўплаш бўлган.

Индонезиялик олим ўз асарида нафақат саёхат таассуротларини акс эттирган, балки ислон динини ўрганишга улкан ҳисса қўшган буюк шахслар ҳаёти ва ижоди, Самарқанд ва Бухоро каби қадимий шаҳарларнинг тарихида тугган ўрни, мамлакатимиздаги кўплаб тарихий ёдгорликлар, масжид ҳамда мадрасалар ҳақида маълумотлар бериб ўтган.

"Бухоро — илм денгизи номи билан шуҳрат қозонган бўлиб, бу шаҳарда Имом Бухорий, Ибн Сино ва Баҳроуддин Нақшбанд каби буюк зотлар ўз изларини қолдирган", деб ёзади индонезиялик олим.

Муҳаммад Жамилнинг таъкидлашича, Бухородаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ҳамда Баҳроуддин Нақшбанд макбарасига қилган зиёрати, шунингдек, Самарқанддаги Регистон шайдонига ташрифи унда унутилмас таассуротлар қолдирди.

«Дунё» АА.

Бўлажак спортчилар саломатлигига эътибор

Спорт вазирлиги томонидан Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрош марказида спорт таълим муассасалари учун ажратилган тиббий жиҳозлар ва ўқув-услубий адабиётлар тақдимотига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Тақдимот

Таъкидлаш жоизки, спорт мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган спорт мактабларининг тиббиёт хоналарини замонавий асбоб-ус

қуналар, дори-дармон ва тикланиш воситалари билан жиҳозлашга ажратилган маблағлар доирасида ўқувчи-спортчиларни нуфузли халқаро ва маҳаллий спорт тадбирларида юқори натижаларни қайд этишига қўмаклашиш, улар

соғлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда сифатли физиотерапевтик муолажаларни ўтказиш мақсадида Спорт вазирлиги томонидан олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрош марказлари учун 21 турдаги ҳамда спорт мактаблари учун 16 турдаги замонавий тиббиёт жиҳозлари, физиотерапия ускуналари харид қилинди.

Тадбир давомида ҳудудий спорт-таълим муассасалари масъуллалиги физиотерапевтик тиббиёт ускуналаридан тўғри фойдаланиш бўйича тегишли тушунчалар берилди.

Замонавий тиббиёт ускуналарини ўрнатилиши билан спортчиларнинг сифатли реабилитациядан ўтиши учун тиббиёт марказларига мурожаат қилишига ҳоҳат қолмайди, спорт-таълим

муассасасининг ўзидаёқ керакли муолажаларни олиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, спорт-таълим муассасалари тренер-ўқитувчи ва ўқувчи-спортчиларининг билимини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган 172 та номдаги ўқув адабиётлари ҳам тақдимот қилинди.

«Халқ сўзи».

